

Марказий Осиёдаги геосиёсий вазият ва Ўзбекистоннинг ҳарбий санъат тарихидан.

Агар дунё тарихини жамият ҳаётининг турли соҳаларини ўзида акс эттирган рангдор иплар боғламаси сифатида тасаввур қилсак ва уни турли даврлар ва мамлакатлар орқали ўтказсак, ҳарбий низолар ва урушлар бу ерда турли-туман фактларга бой энг ёрқин йўналиш сифатида кўзга ташланади. Урушлар тарихи кишилик жамияти пайдо бўлган уруғчилик давридаёқ бошланди. Турли қабилалар, халқлар, мамлакатлар ўртасида пайдо бўлиб турадиган зиддиятларни қурол-яроғлар ёрдамида, ҳарбий куч билан ечишга интилиш кишилик жамияти тарихининг қадимги даврларидан бошлаб кўзга ташланади. Ҳарбий қўшинларнинг пайдо бўлиши ва такомиллашиб бориши давлатчилик тарихи ривожини билан боғлиқ ҳолда борди. Қадимги давлатлар пайдо бўлган даврдан бошлаб урушлар давлатлараро муносабатларда етакчи ўрин тутиб келди. Турли халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлар, урушлар инженерлик иши нуқтаи-назаридан мукаммал мудофаа иншоотлари, қалъалар барпо этилишига, ҳарбий қурол-яроғларнинг тўхтовсиз такомиллашиб боришига олиб келди.

Ҳарбий сиёсат адабиёт, тарих ва амалий санъат ривожига, шунингдек аниқ фанларнинг турли соҳалари, хусусан физика, биология, химия, география, геометрия, медицина ва бошқалар тараққиётига ҳам туртки бериб келгани сир эмас. Ҳарбий қўшинлар, урушлар дунё тарихида шундай катта рол ўйнадики, ҳатто айрим мутафаккирлар урушни "Тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи" деб ҳам эътироф этганлар. Дарҳақиқат, дунё адабиёти, санъатининг бой хазинасида урушларга, саркардаларга, ҳарбий санъат, ҳарбий тактика ва жанг стратегияларига бағишланган асарлар жуда кўпчиликини ташкил этади. Кир II, Доро I, Александр Македонский, Цезар, Аттила, Чингизхон, Ботухон, Жалолiddин Мангуберди, Амир Темур, Наполеон ҳамда бошқа жуда кўплаб ҳарбий саркардалар ҳарбий санъат ривожига катта ҳисса қўшганлар ва дунё тарихида чуқур из қолдирганлар. Ўзбек халқи ҳарбий санъати шаклланишида катта ўрин тутган қадимги аждодларимиз сак-массагетлар, бактрияликлар, хоразмликлар, суғдлар ва Паркона (Фарғона)ликлар давридаёқ Қадимги Шарқ дунёсида донг таратганлиги маълум. Дунё ҳарбий санъати тарихида катта ўрин тутган Тумарис, Широқ, Спитамен, Темур Малик, Жалолiddин Мангуберди, Амир Темур, Захриддин Муҳаммад Бобур, Абдуллахон ва бошқа буюк саркардалар бизнинг заминимизда яшаб ўтдилар.

Дастлабки ҳарбий қўшинлар тузилиши, қўшни ва узоқ ўлкаларни босиб олиш учун урушларнинг бошланиши Месопатамия ва Мисрда қадимги давлатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг турли ҳомашё захираларига бой қўшни ҳудудларни босиб олишга интилиши туфайли бошланган деб ҳисобланади. Мил. авв. III мингйилликда Аккад подшоси "Денгиздан денгизгача бўлган ҳудудларни бўйсундириш" ғоясини илгари сурди. Бу ёвуз ғоя вирус каби тарқалиб кейинги тарихий даврларда кўплаб мамлакатлар,

халқлар ва уларнинг етакчиларини захарлади, янги-янги босқинчилик урушларини келтириб чиқарди.

Илк давлатлар шакллана бошлаган тарихий даврдан бошлаб дунё халқлари ҳарбий санъати тарихини шартли равишда қуйидаги қисмларга бўлиш мумкин:

1. Мил. авв. IV- I мингйиллик бошлари;
2. Мил. авв. I мингйиллик;
3. Антик давр, яъни мил. авв IV-мил. IV асрлар;
4. Илк ўрта асрлар;
5. Ривожланган ўрта асрлар;
6. Сўнгги ўрта асрлар;
7. Ўқотар курол-яроғлар пайдо бўлган янги давр.

Ҳарбий куч қудрат, урушлар тарихи турли халқлар, миллатлар, сиёсий гуруҳлар ўртасидаги кураш, ўзаро низолар ва баҳслар, зўровонлик ва вайронагарчилик тарихидир. Қадимги давр ва ўрта асрларда ҳарбий қўшин давлатнинг куч-қудрати рамзи бўлиб келган. Кучли қўшинга эга бўлган давлатлар доимий равишда қўшни ва узоқ ўлкалар устидан ҳукмронлик қилишга, уларнинг бойликларига эғалик қилишга ҳаракат қилганлар.

Дунё ҳарбий санъати тарихига назар ташласак, турли тарихий даврларда мамлакатларнинг ҳарбий куч-қудратига таъсир қилувчи омиллар ичида қуйидагилар асосий ўрин тутиб келганини қайд қилиш мумкин:

- Мамлакатнинг географик ҳолати;
- ҳудудининг табиати, хомашё захиралари, иқлими ва ишлаб чиқарувчи кучлари;
- ҳудудининг ҳажми;
- аҳолиси миқдори;
- халқнинг менталитети, характери;
- ҳукумат тузилиши, бошқарув характери.

Ўрта Осиё халқлари қадим замонларданоқ халқаро сиёсий-иқтисодий ва маданий жараёнларда фаол иштирок этиб келгани маълум. Бу алоқаларнинг таъсирида ҳамда ички ва ташқи геосиёсий вазият, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт туфайли Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъати ҳам ўзига хос равишда ривожланиб борди. Бунга минтақанинг халқаро муносабатларида муҳим ҳарбий стратегик аҳамият касб этган қулай географик жойлашуви ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Иқтисодий-хўжалик эҳтиёжлари қадимги қабилаларни хомашё захираларига бой янги ерларни ўзлаштириб боришга мажбур қиларди. Бу ўз навбатида турли қабилалар ўртасида сиёсий низолар келиб чиқишига олиб келарди. Шу тариқа ҳарбий куроллар, мудофаа иншоотлари пайдо бўлди ва такомиллашиб борди. Қадимги Шарқ дунёсини бир-бири билан боғлаб турувчи қадимги йўллар чорраҳасида жойлашган Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудуди ҳам қадимги Шарқ дунёсининг ҳарбий-сиёсий муносабатлари доирасига тортилган эди. Ўрта Осиё жанубида мил. авв. 3-2 мингйилликларда мустаҳкам мудофаа деворларига эга бўлган илк

шаҳармонанд манзилгоҳлар ҳамда алоҳида мудофаа кўрғонлари пайдо бўлган.

Самарали ҳужум уюштириш ёки ишончли ҳимояланиш учун фақат курол-яроғларнинг бўлиши камлик қиларди. Шу сабабли қадимги қабилалар ҳарбий-сиёсий иттифоқларга бирлаша бошлайдилар. Ўрта Осиёдаги илк давлатлар давридаёқ ҳарбий гуруҳлар тузилиб, ҳарбий етакчиларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ошиб борган.

Ўрта асрларга келиб, Ўрта Осиёдаги барча йирик шаҳарлар мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган, буржлар билан мустаҳкамланган бўлиб, улар атрофи сув тўлдирилган хандаклар билан ўралган эди. Бу мудофа деворлари то 19 аср охирларигача ўзининг аҳамиятини сақлаб келди.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти туфайли турли халқлар ўртасида пайдо бўлиб турадиган низоларни ҳарбий куч билан енгишга интилиш ҳарбий курол-яроғларнинг турлари кўпайишига, такомиллашиб боришига олиб келган. Қадимги даврда кенг тарқалган ҳимоя куроллари (совут, дубулға, қалқон, баргуствон ва бошқалар), ҳужум куроллари (найза, қилич, ўқ-ёй, палахмон, манжанақ ва бошқалар) дунёнинг катта қисмида турли шакл ва кўринишларда ишлаб чиқарилган. Ҳарбий соҳа ривожини доимо давлат назоратида бўлиб келган.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳарбий куч-қудратнинг омилларини кенг таҳлил қилиш, Марказий Осиё тарихида ҳарбий қўшинларнинг тутган ўрни масаласини ўзгариб турувчи тарихий-географик ва демографик ҳолатга боғлиқлигини кўрсатади.

Умуман олганда, урушлар бошланган даврдан бошлаб, инсониятнинг энг буюк ақл эгалари, мутафаккирлари ер юзида "урушсиз макон", "урушсиз умумий уй" барпо этиш ҳақида курашиб келганлар. Лекин ҳозиргача бу инсонпарвар ғояни амалга ошириш ҳеч бир авлодга насиб этмади. Ҳозирча инсоният урушиш ва ўз наслини қиришда давом этмоқда.

Адабиётлар

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т., 1998.
2. Авесто / А.Махкам таржимаси. – Т., 2001.
3. Абулғози. Шажараи турк. – Т., 1992.
4. Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни: Халқаро конференция тезислари. – Т., 1996.
5. Арриан. Паход Александра / Пер. М.Е. Сергеев. – М. –Л., 1962.
6. Аҳмедов Б. "Товачи" ва "Жарчи" атамалари ҳақида // Тарихдан сабоқлар. – Т., 1994.
7. Бобур. Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989.
8. Бухорий. Ҳофиз Таниш. Абдуллонома (Шарафномаи шохий) / Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси. – Т.: Шарқ, 1999. 1- китоб.

9. Бухорий. Ҳофиз Таниш. Абдулланом (Шарафномаи шоҳий) / Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси. – Т.: Шарқ, 2000. 2- китоб.
10. Геродот. История в девяти книгах / Перевод и прим. Г.А.Стратановского. – М., 1999.
11. Темур тузуклари / Форсчадан Алихон Соғунӣ ва Х. Караматов таржимаси. – Т., 2010.
12. Бунятов З.М. Государства Хорезмшахов Ануштегинидов. – М.: Наука, 1986.
13. Иванин М.И. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингизхане и тамерлане. – СПб., 1875.
14. Иванин М.И. Состояние военного искусства у среднеазиатских народов при Тамерлане // Тамерлан. Эпоха. Личность. Деяния. – М., 1992.
15. Лунев В.В. Декор военных доспехов Средней Азии в эпохи средневековья (по данным миниатюр) // Культурное наследие Средней Азии. – Т., 2002.
16. Мавлонов Ў. Ўрта Осиё ҳарбий санъати // Жамият ва бошқарув. № 2, 2004.
17. Сағдуллаев А. Огненные стрелы. – Т., 1993.
18. Сағдуллаев А. Поход Александра Македонского в Согдиане. – Т., 2008.
19. Сағдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Т.: Академия, 2006.
20. Ширинов Т. Орудия производства и оружия эпохи бронзы Среднеазиатского Междуречья. – Т., 1986.
21. Ўзбекистоннинг ҳарбий санъати тарихи. Энг қадимги даврдан бугунги кунгача. – Т., 2011.